

**“Ўзвагонтаъмир” акциядорлик жамиятининг
2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
яқунлари бўйича бош директор ҳисоботи**

“Ўзвагонтаъмир” акциядорлик жамияти 2016 йилда бизнес-режада кўзланган асосий параметрлар – молиявий кўрсаткичлар ва техник дастурларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ ҳолда иш олиб борди, ҳамда узлуксиз ўсиш суръатлари барқарорлигига эришди.

“Ўзвагонтаъмир” акциядорлик жамиятида юк ташувчи вагонларнинг **депо таъмири** 2016 йил якунларига кўра режага нисбатан 113,5% га, ўтган йилга нисбатан эса 113,9 % га бажарилди ва ҳисобот даврида 3 289та вагонлар таъмирдан чиқарилди.

“Ўзвагонтаъмир” акциядорлик жамиятининг вагон деполарида 459 та вагон **мукаммал (капитал) таъмирдан** чиқарилди ва белгиланган режа 100 % га, 2015 йилга нисбатан эса 168,8%га бажарилди.

Депо ва мукаммал таъмирнинг ўртача нархи ўтган йилги даражадан 1 % га пасайди.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ вагонларининг таъмири (ДР+КР)	2015 й.	2016 й.	фарқ +,-	%
Вагонлар сони, дона	2 476	2 772	296	112
Даромад, мингсўм	13 266 864	14 697 100	1 430 236	111
Таъмирнинг ўртача нархи, сўм	5 358 184	5 301 984	56200	99

Бошқа вазирликлар вагонларини таъмирланишидан олинган даромад 5% га, нархлари эса 1 % га ўсди.

Бошқа вазирликлар вагонларининг таъмири	2015й.	2016й.	+,-	%
Вагонлар сони, дона	1 064	1 103	39	104
Даромад, мингсўм	5 138435	6 176553	1 038 118	120
Таъмирнинг ўртача нархи, сўм	4 829356	5 599 776	770 420	116

Республикамизнинг бошқа вазирликлари вагонларини таъмирлаш бўйича кўрсаткичлар 2015 йилга нисбатан ўсди, яъни 1064 та вагондан 1103 та вагонгача, жумладан 264таси **хизмат муддатини узайтириш билан капитал таъмирлаш**, 37 таси **мукаммал (капитал) таъмирдан** ва 785 та вагон **депо таъмиридан** чиқарилди. Бошқа вазирликлардан олинган даромадлар 5 млрд. 138 млн. 435 минг сўмдан 6 млрд. 176 млн. 553 минг сўмгача ўсди. Уларнинг умумий даромадлардаги улуши 24 % дан 26 % гача кўпайди.

Хизмат муддатини узайтириш билан капитал таъмирлашнинг ўртача нархи 2% га пасайди:

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ вагонларининг таъмири	2015 й.	2016 й.	+,-	%
Вагонлар сони, дона	272	459	187	169
Даромад, мингсўм	1 148 694	1 164 483	15 789	101
Таъмирнинг ўртача нархи, сўм	9 403 533	9 207 309	- 196 223	98

Жамият томонидан транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини бажаришга катта эътибор қаратилди:

	АЖ нинг 2016 йил режаси	АЖ да бошқа вазирликлар вагонларини хизмат муддатини узайтириш билан капитал таъмирлаш, вагон/минг сўм	Вагон депоси номи
Жами	230	264/1 301476	
Аммофос	40	42/216 338	ВЧД-3
БЦК	10	12/61 811	
АГМК	1	2/10 302	
Олмалик	10	14/72 113	
Максам Чирчик	60	64/329658	
Навои Азот	26	29/149 376	
КЗХ	6	9/46358	
Сарвар омад	6	9/46 358	
Дж.автойўл	1	1/5 150	
УЖДТ Навои	5	5/25 754	
РСП-14	15	18/81 431	
Итого:	180	205/1 044649	
СРУ	1	2/8 706	ВЧД-6
Навои Азот	30	32/139 296	
Максам Чирчик	15	17/74 001	
Прочие	4	8/34 824	
Итого:	50	59/256 827	

Йўловчи ташиш вагонларининг таъмири бўйича 108та вагон режалаштирилган бўлса, амалда 101та вагон таъмирланди, ҳамда режа 93,5 % га бажарилди.

Йўловчи ташиш вагонларни таъмирлашдан жамият ҳисобига режадаги 1 млрд. 108млн.112 минг сўм ўрнига, амалда 1 млрд. 305млн.580 минг сўм даромад олинди, 2015 йилда бу даромад 810 млн.564 минг сўмни ташкил қилган эди.

	Йўловчи ташувчи вагонларининг жами		
	2015 й.	2016 й.	%
Вагонлар сони, дона	79	101	128
Даромад, мингсўм	810 564	1 305580	161
Таъмирнинг ўртача нархи, сўм	10 260304	12 926535	126

Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўйича режа 131%га бажарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 115,1%ни ёки 32,1 млн. сўмни (ҚҚС билан бирга) ташкил этди.

Шундан:

- Металл маҳсулотларини ишлаб чиқариш– 19млн.514минг сўм;
- Кислород–12млн. 574минг сўм.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бўйича 28 млн. 600 минг сўм (ҚҚС билан бирга) иш ҳажми бажарилди, бу кўрсаткич режага нисбатан 102,9%ни, ўтган йилга нисбатан эса 108,3% ни ташкил этди.

Экспорт хизматларидан жамият ҳисоб рақамига режадаги 1 млн. 100минг АҚШ доллари ўрнига амалда 271минг АҚШ доллари келиб тушди. Бу ўтган йилга нисбатан 167,3 % ни ташкил этади. “Ўзвагонтаъмир” акциядорлик жамияти томонидан экспорт хизматларини ривожлантириш ва режани бажариш мақсадида ҳамма керакли чора-тадбирлар кўрилди, ва кун тартибидаги энг долзарб ва муҳим масалалардан бири ҳисобланди.Жамият томонидан ТОО “Шингар-Транс” ва ТОО “Маер Компани” Қозоғистон Республикаси компаниялари билан шартнома тузилиб,уларнинг вагонлари таъмирдан чиқариб берилди.

2016 йилда жамиятимизга 3 минг 320тонна **қора металл парчаларини** топшириш режаси берилган бўлиб, амалда жами 3 минг 371тонна 400 кг миқдорда бажарилди, ҳамда белгиланган режа 101,5% га, ва ўтган йилга нисбатан 101,2% га бажарилди.

Рангли металл парчаларини топшириш режаси 90% га бажарилди, яъни режадаги 4 тонна ўрнига, амалда 3тонна 600 кг топширилди, ўтган йилга нисбатан 77,7 % га бажарилди.

2016 йилда жамиятимиз томонидан олинган **даромад** миқдори 27 млрд. 468 млн. сўмни ташкил этди, бу эса режанинг 117,6 % га бажарилишини таъминлади. Ҳамда ўтган йилга нисбатан 128,2 % ни ташкил этди.

Ҳисобот даврида **ҳаражатлар** 26млрд.340 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич режага нисбатан 118,4% ни, ва ўтган йилга нисбатан 129,2 % ни ташкил этди.

Ҳаражатларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар:

2016 йилда режадаги 2 млрд. 464 млн.сўм ўрнига, амалда бу кўрсаткич 2 млрд. 390 млн.сўмга бажарилди.

Шужумладан:

	Жами	
	режа	факт
	Млн. сўм	Млн. сўм
Материал ҳаражатларни камайтириш шу жумладан:	293,5	346,9
Лак бўёқ маҳсулотлари ҳаражатларини камайтириш (частичная окраска)	293,5	346,9
Узоқ хизмат қилувчи материал ва эҳтиёт қисмларни реставрация қилиш ва қайта тиклаш		
ЁМ Маҳсулотлари (ТЭР) ҳаражатлари никамайтириш, шу жумладан:	9,5	9,8
Электр-энергияси ҳаражатларини камайтириш	5,9	6,1
Ёқилғи ҳаражатларини камайтириш	3,64	3,7
дизель ёқилғиси, тн	0,88	0,9
печное топливо	1,88	1,93
табiiй газ, минг м3	0,88	0,9
сувни истеъмоли, м3		
Умумхўжалик ҳаражатларини камайтириш	2 081,4	2 103,6
Жами камайтирилган ҳаражатлар	2 388	2 464
Ҳаражатлар 2015 йил/ 2016 йил	23 635	24 400
	10,1%	10,1%

Умумий молиявий натижа эса режадаги 1 млрд.098млн. сўм ўрнига, амалда 1 млрд. 128млн. сўм миқдорида даромад олинди. Бу режага нисбатан 102,7% ни, ўтган йилга нисбатан эса 107,9 % ни ташкил этди.

Соф фойда 947млн. сўмни ташкил этди, ҳамда режада белгиланган 897млн. сўмни, 105,6%ни ташкил этди (+50 млн.сўм). Ўтган йилга нисбатан 106,5 % ни ташкил этди.

Дебитор қарздорлик 2016йил давомида ташқи **дебитор қарздорлик** даражаси йил бошидаги 4 млрд. 900 млн. 425минг сўмдан 1 млрд.065 млн. 942 минг сўмга камайган (- 3 млрд. 834млн.483минг сўм).

Ташқи кредиторлик даражаси 2 млрд. 113млн. 381минг сўмдан 99млн.812 минг сўмга камайган (- 2 млрд. 013млн.569минг сўм).

2016 йилда жамиятимиз бўйича қуйидаги ёқилғи энергетика маҳсулотлари сарфини 2015 йилга нисбатан камайиши таъминланди:

Электр энергияси –6,735 минг кВт соат га белгиланган меъёрга нисбатан иқтисод қилинган.

Сув –1,085 минг куб.м белгиланган меъёрга нисбатан иқтисод қилинган.

Табиий газ –6,9 минг куб.м белгиланган меъёрга нисбатан иқтисод қилинган.

Маиший печь ёқилғиси (печное топливо) –37,61 тонна ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иқтисод қилинган.

Дизель ёқилғиси – 0,429 тонна ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иқтисод қилинган.

Лекин қуйидаги ёқилғи маҳсулотларининг ўсиши кузатилган. Асосий сабаблари:

Сиқилган табиий газ –жамият бўйича умумий ҳисобда 0,78 минг м³ га ўсган. Бунинг асосий сабаби, Самарқанд – Бухоро йўналишидаги темир йўл линияси атрофини темир панжари билан ўраш ишлари амалга оширилганлиги сабабли Самарқанд вагон депоси бўйича автомобилларнинг ҳаракати ошганлигидадир.

Суюлтирилган газ миқдори – Ховос, Андижон ва Самарқанд вагон деполарида 5,021 тоннага ўсган, табиий газ йўқлиги сабабли. 2015 йилда гилдирак жуфтликларининг наплавкаси ва вагонларни кесиш табиий газ ёрдамида амалга оширилган, 2016 йилда суюлтирилган газдан фойдаланилган. Бундан ташқари вагонларни режавий таъмирлаш ҳажми 2015 йилга нисбатан ортган.

Кўмир – Ховос ва Андижон вагон деполарида 61,025 тоннага ўсган. 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумида цехларни иситиш учун алоҳида печлар ўрнатилиб, кўмир билан иситилган. 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумида вагон депосидаги Е-1/9 қозонлари ишлашдан тўхтатилиши натижасида маиший печ ёқилғиси иқтисодига эришилди.

2016йилда жамият томонидан 7млрд. 198млн.970минг сўмлик материаллар ва эҳтиётқисмлар олинган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 4 млрд. 381 млн.611минг сўмни ташкил қилди. Яъни бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 2 млрд. 817 млн.359 минг сўмга ошган. Келтирилган жадвалда вагонларни таъмирлаш жараёнида ишлатиладиган асосий эҳтиёт қисмлар, материаллар, ЁММнинг нархлари ошганлиги 2015 йилга нисбатан кўрсатиб ўтилган.

	Ўлчов бирлиги	2015йил нархлари	2016йил нархлари	%
ЁММ				
Эл-энергия	кВт.с	Ховос-236 Андижон-131,1 Самарқанд-149,4	Ховос-367,3 Андижон-151,66 Самарқанд-201,22	139
Ичимлик суви	Куб.метр	2 238	2 505	112
Табиий Газ	Куб.метр	162	208.92	129
ЛЗ-ЦНИИ	Тн.	19 864 000	21 864 000	110
Материаллар				
Пиломатериал	Куб.метр	714 306	634 355	89
Фанера	Куб.метр	1 586 927	1 286 303	81
Бўёқ	кг	9 224	14 118	153
Металл	тн	2 747 916	2 724 598	99
Ёнувчи мойланадиган материаллар	кг	21 603	30 354	140
Резина техник буюмлар	тн	4 483	5 515	123
Эҳтиёт қисмлар				
Вал кардан ВХ		514 667	980 352	190
Асосий қисм	Дона	756 359	991 021	131

Маг.қисм	Дона	696 232	1 110 413	159
Кран. Разобщ.	Дона	173 043	178 180	103

Мехнатга ҳақ тўлаш фонди (ФОТ) 9млрд.896 млн.сўмни-режага нисбатан 105,3%ни, 2015 йилга нисбатан эса 120% ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан ўсганлиги асосий сабаби Ўзбекистон Республикаси бўйича энг кам иш ҳақи, шунингдек, тармоқ бўйича иш ҳақи оширилганлиги, (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг 15.09.2016 йилдаги № 401-Н-сонли буйруғи асосида 2016 йилнинг 1 октябридан ўртача 15 % га ошган), ҳамда жамият бўйича жорий таъмирнинг ўтган йилга нисбатан 13,9 % га, ва хизмат муддатини узайтириш билан капитал таъмирлашнинг ўтган йилга нисбатан 68,8 % га ошганлигидадир.

Ишчилар сони-714та ходимни, режага нисбатан 101,4%ни, 2015 йилга нисбатан эса 103,6% ни ташкил қилди.

1 нафар ходимнинг меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳар бир кишига 1 432та келтирилган вагондан тўғри келади ва бу режадагидан 7,1% га ўсганлигидан далолат беради. Ҳамда 1 киши учун 38 млн. 471 минг сўмни, яъни режага нисбатан 116 % ни, ўтган йилга нисбатан эса 123,7 % ни ташкил этади.

Жамиятнинг фойдалилик даражаси (рентабельность) жорий йилга 4,9 % миқдорида режа белгиланган бўлиб, амалда 86,8 % миқдорда бажарилди.

Жамиятимизда ўртача иш ҳақи– 1 млн.154 минг 995 сўм бўлиб, режанинг 103,9 % га,ўтган йилга нисбатан 15,8%га ошган.

Ҳозирги вақтда жамиятимиздаги касаначиларнинг умумий сони 7 кишидан иборат бўлиб, улар:

- Ховосда – 2 та тикувчи в 1та муқоваловчи;
- Андижонда – 1 та тикувчи;
- Самарқандда– 2та тикувчилардир.

Уларнинг меҳнати билан 69 млн. 932 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди (2015 йилда 77млн. 627минг сўм). Касаначиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 19% га ошиб, ўртача ойлик иш ҳақи 349 минг 694 сўмни ташкил қилади (2015 йилда 293 минг 890 сўм). Шунингдек, имтиёзларни қўллаш ҳисобига 6 млн. 294минг сўмлик (2015 йилда 6млн.098 мингсўм) иқтисодий самара келтирилди.

Жамоа шартномасида кўзда тутилган ижтимоий кафолатларнинг бажарилиши ходимлар манфаатларини корхона манфаатларига яқинлаштиришга олиб келади.

Жамият ходимларининг соғлиқларини тиклаш учун 192млн. 939 минг сўмлик (2015 йилда 300 млн. 976 минг сўм,64%), ишламайдиган нафақахўрларга-4 млн. 740минг сўмлик, вафот этган ишчининг оила аъзоларига31 млн. 098 минг сўмлик (2015 йилда 3 млн. 200 минг сўм ва 46 млн. 016 минг сўм) моддий ёрдам кўрсатилди. 2 ёшгача бўлган болаларни парваришлаш таътилидаги аёллар сони 6 та бўлиб, уларга 35 млн. 453минг сўмлик (2015 йилда21 млн.978минг сўм –улар 10 та она бўлган) нафақа тўланди.

Ўтган даврда “Ўзвагонтаъмир” АЖ вагон деполарида **ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш** талабларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунга эришиш учун барча деполарда вагонларнинг қисм ва деталларини таъмирлашда, таъмирдан олдин ва таъмирлаш жараёнида босқичма-босқич назоратлари йўлга қўйилди. Барча синов стендлари метрологик аттестациядан ўтказилди.

Вагон деполарида ишчи ва ходимлар иштирокида, жами бўлиб 7578 та ходим, вагон ва унинг қисмларини таъмирлаш борасида 836 та техник дарслар ўтказилди.

Жамият тизимидаги ҳар бир вагон депода ҳаракатдаги поездлардан вагонларнинг узиш ҳолатлари чуқур ўрганиб чиқилиб таҳлил қилинмоқда. Айбдор шахслардан жамиятга келтирилган зарар белгиланган тартибда ундирилмоқда.

2016 йилда ВУ-41 далолатномалари -2та вагон, 951,9 минг сўм айбдор шахслардан ундирилди. 2015 йилда эса 12 та вагон, 1 млн. 345 минг сўм ундирилди. 2016 йилда вагонларнинг узиш ҳолати 83 % га камайган.

Жорий ҳисобот даврида 1 та алоҳида ҳолат, яъни ташкиллаштирилган йўловчи поезда билан содир бўлди. 2016 йилнинг 2 июлида Учқудуқ-2 станциясида № 22415 рақамли вагон Тошкент-Урганч йўналишидаги № 56-рақамли йўловчи ташувчи поезддан узилган. Бунинг сабаби редуктор шкив тугунининг носозлиги бўлган (неисправность шкивного узла редуктора ТРКП по ходу 3-й колесной пары № 0936647). Бу ҳолатнинг айбдорлари Андижон вагон депоси ишчи ходимлари бўлиб, улар интизомий жавобгарликка тортилганлар, жумладан 3 та ходим ишдан бўшатирилган: ғилдирак ремонт цехи чилангари, ғилдирак ремонт цехи устаси, ҳамда техник назорат бўлими устаси. Бундан ташқари 4 кишига интизомий жазо қўлланилган, бунинг жами суммаси 3 211 668 сўм. Улар Андижон вагон депоси бошлиғи (1 102 520 сўм), бош муҳандиси (536 809 сўм), техник бўлими бошлиғи (519 999 сўм) ва жамиятнинг ишлаб чиқариш ва маркетинг бўйича директори (1 052 340 сўм)дир.

Поездлар ҳаракати хавфсизлиги бузилиши бўйича маълумот

Ховос вагон депоси бўйича:

- 24.03.2016 йилда, вагон № 90392960, Озодлик ст. – отсутствие зазора скользуна (ДР 16.03.16 г.);
- 23.03.2016 йилда, вагон № 96363635, Бухоро ст. – магистрал трубасининг бузилиши (срыв магистральной трубы) (КР 21.11.15 г.);
- 28.03.2016 йилда, вагон № 95257223, Қўқон ст. – муддати ўтказилган аравалар (просроченные тележки) (ДР 25.03.16 г.);
- 27.04.2016 йилда, вагон №96366208, Тинчлик ст. ёнбош рамани дарс кетиши (трещина боковой рамы) (КР 15.08.14 г.);
- 15.04.2016 йилда, вагон №67552950, Тинчлик ст. – грение буксы (ДР 01.02.15 г.);
- 31.05.2016 йилда, вагон № 95445524, Тошкент ст. – излом концевых балок (КРП 21.04.16 г.);

- 17.11.2016 йилда, вагон № 97271043, Кўкон ст. – обрыв болтов торцевого крепления (КР 21.03.15 г.);
- 14.12.2016 йилда, вагон № 95628103, Даштобод ст. – обрыв питательной трубы (ДР 13.04.15 г.);

Андижон вагон депоси бўйича:

- 16.01.2016 йилда, вагон № 57714529, Янгиер ст. – габарит қоидаларининг бузилиши (нарушение габарита) (КРП 24.06.14 г.);
- 10.03.2016 йилда, вагон № 67337923, Жиззах ст. – грение буксы (КРП 09.09.14 г.);
- 13.03.2016 йилда, вагон № 28001881, Келес ст. – ғилдирак жуфтлиги комплектининг тўғри келмаслиги (несоответствие комплектации колесной пары) (ДР 23.11.15 г.);
- 12.04.2016 йилда, вагон № 94726262, Келес ст. – ғилдирак жуфтлигитехник яроқсизлиги (технический брак колесной пары) (ДР12.02.15 г.);
- 03.05.2016 йилда, вагон № 90509761, Хаваст ст. – туширадиган механизмнинг йўқлиги (отсутствует разгрузочный механизм) (ДР23.01.16г.);
- 14.05.2016 йилда, вагон № 96368741, Мискент ст. – буксанинг сурилиши (сдвиг буксы) (ДР22.03.16 г.);
- 04.11.2016 йилда, вагон № 23516164, Андижан ст. – тирговичнинг дарс кетиши (трещина раскосов) (ДР03.11.16 г.);

Самарқанд вагон депоси бўйича:

- 13.01.2016 йилда, вагон №67842146, Гулистон ст. – ГВБ поездининг ушлаб қолиниши (задержка поезда - ГВБ);
- 22.06.2016 йилда, вагон № 67553040, Пахта ст. – секин бўшатиш (медленный отпуск) (ДР20.04.14 г.);
- 19.07.2016 йилда, вагон № 24423865, Тинчлик ст. – ён томондаги энсиз боғичнинг бузилиши (разрушение торцевого крепления) (ДР 14.06.14 г.).

2016 йилда вомида депо ва жамият, Темирийўлназорат ДИ, УТТК раҳбарияти томонидан депо цехлари ва бўлинмаларида юк ташувчи вагонларни таъмирлаш технологиялари юзасидан 776 та текширув ўтказилди, 52та вагон қайта таъмирлашга жўнатилди, баённомалар тузилди, таҳлиллар қилинди, буйруқлар чиқарилиб тегишли айбдор шахслардан умумий миқдори 9 млн. 460 минг 400 сўмлик интизомий жазо чоралари қўлланди: 168 та хайфсан берилди, 66 та жарима солинди.

2016 йилда “Ўзвагонтаъмир” АЖ касаба уюшмаси кўмитаси томонидан 13 нафар ишчи-ходимга соғлиқларини тиклаб дам олишлари учун санаторий профилакторияларга имтиёзли йўлланма ажратилди. Касаба уюшмаси кўмитаси ҳисобидан ишчи ходимларга 14 млн. 293 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди (2015 йилда 8 млн. 455 минг 500 сўмни ташкил этган). Шунингдек Ватан ҳимоячилар кунига, Наврўз байрамига, 9 май Хотира ва кадрлаш кунига, ҳамда

юбилей ёшига тўлиши муносабати билан совғалар тақдим этилди. 1 июн “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни” муносабати билан 225 нафар болаларга 2 млн. 595 минг сўмлик болалар истироҳат боғига чипталар тарқатилди. 1 сентябр кунига 1-синфга чиқадиган ишчи ходимлар фарзандларига 2 млн. 204 минг сўмлик канцелярия моллари берилди. Эстрада хонандаларининг концертларига 11 млн. 378 минг сўмлик имтиёзли чипталар тарқатилди (2015 йилда 4 млн. 875 мингга ташкил этган). 61 нафар болаларга “Қибрай”, “Янгиавлод” ва “Бурчимулло” болалар оромгоҳларига йўлланмалар ажратилди. 5 млн. 579 минг сўмлик имтиёзли йўлланмалар берилган. (2015 йилда 5 млн. 214 минг сўмга ташкил этган). Тошкент темир йўл муҳандислари институтидаги сув ҳавзасига 20 дона абонемент ишчи ходимлар ва уларнинг фарзандларига ажратилди.

ТошТЙМИ базасида, йўл малака ошириш марказида 58 та ходим (2015 йилда 30 нафар ходим): 44 нафар ишчи ходимлар меҳнат хавфсизлиги ва поезд ҳаракати хавфсизлиги бўйича, 14 нафар иқтисодчи, ҳисобчи ва муҳандислар инвестицион сиёсат салоҳиятини кўтариш, корхона фаолиятини такомиллаштириш таҳлили масалаларига ахборот коммуникацион технологиялари бўйича малакасини ошириб қайтишди.

2 нафар ходим Маънавият тарғибот марказида ўқиб қайтишди. Фуқаролар ҳимояси ва фавкулотда ҳолат институтида 1 нафар раҳбар ўқиди. НУР-Чирчиқда 5 нафар дефектоскопист малакасини оширишди. 4 нафар раҳбар ва мутахассислар - акциядорлар жамиятидаги корпоратив бошқарув йўналиши бўйича ўқув курсини ўтишди.

2016 йил давомида “Ўзвагонтаъмир” АЖга 17 нафар ёш мутахассис битирувчилари ишга қабул қилинди. Шулардан Тошкент темир йўл муҳандислари институтидан 6 нафар (улардан 2 нафари олий маълумотли даража унвони учун магистратурага ўқишга киришди), Тошкент темир йўл коллежидан 4 нафар, Самарқанд темир йўл коллежидан 4 нафар, Қўқон темир йўл коллежидан 3 нафар. Қабул қилинган ёш мутахассислар малакали мутахассисларга буйруқлар асосида бириктирилган, меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар билан таништирилган.

2016 йил мобайнида “Ўзвагонтаъмир” АЖ да “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича 17 млн. 416 минг 040 сўм маблағ сарфланди.

Ҳисобот даврида “Ўзвагонтаъмир” АЖ бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси бўйича барча ишлар 2016 йилда қабул қилинган чора-тадбирлар асосида амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда барча касбларда меҳнат муҳофазаси йўриқномалари мавжуд.

Ҳисобот даврида меҳнат хавфсизлигини бузганликлари учун 67 нафар ишчи ва ходимлардан огоҳлантириш талонлари олиб қўйилган ва улар ишдан четлаштирилганлар, ҳамда уларга нисбатан чора кўрилган.

Жамият тизимидаги вагон деполарида меҳнатни муҳофоза қилиш ва техник хавфсизлиги бўйича 433 та ўқув дарслари ўтказилган, унда 5 691 та ишчи ва ходимлар иштирок этганлар (2015 йилда 403 та ўқув дарслари 5 018 та ишчи).

Меҳнат муҳофазасига 2016 йилда 348 млн.135 минг сўм сарф қилинди (2015 йилда -318 млн.705 минг сўм, 109,2 %) улардан:

- Махсус кийимлар сотиб олиш -260 млн.256 минг сўм (2015 йил 96 млн.511 минг сўм, 269 %);

- Махсус сут 4 162,5 литр 13 млн.085 минг сўмга берилган (2015 йил - 3 797,5 л сут, 10 млн.892 минг сўмлик, 120,1%).

Жамиятнинг 18 та ишчи ходимларига иш вақтида корхонада шикаст етганлиги ва унинг натижасида кўрилган зиённи қоплаш учун 109 млн.162 минг сўмлик (Ховос - 47 млн.545 минг сўм, 8 нафар; Андижон - 35 млн.040 минг сўм, 6 нафар; Самарқанд - 26 млн.577 минг сўм, 4 нафар) ҳақ тўланди.

2016 йил мобайнида касаллик варақалари суммаси 50 млн.494 минг сўмни ташкил этди (2015 йилда - 99 млн.286 минг сўм, 50,8%). Ишга яроқсизлик ҳолати 2016 йилда 385 та ҳолатдан 29 тага камайган (2015 йилда 414 та ҳолат), ишга яроқсизлик кунлари 4 378 ни ташкил этди, бу эса ўтган йилгига нисбатан 191 кунга камайди (2015 йилда 4 569 кун).

2016 йил давомида «Ўзвагонтаъмир» акциядорлик жамияти тассаруфидаги Ховос вагон депосида 2 марта бахтсиз ҳодисага йўл қўйилган:

Биринчиси, 2016 йилнинг 29 апрелида содир этилган. Вагон депоси ошпази лавозимида ишловчи Облоқулова Зебо Обидовна одатдагидек ошхонага ишга келган ва ўз вазифасини бажариш билан машғул бўлган. З.Облоқулова корхона кассасига иш ҳақини олгани борганида соат 10-40 лар атрофида корхонада чилангар бўлиб ишловчи Зуринов Давлат келиб уни таниши Тиллобердиев Х.чақираётганлигини айтган. З.Облоқулова Тиллабердиевнинг олдиғачикмаслигини ва у билан гаплашмаслигини Д.Зуриновга айтган. Шундан сўнг З.Облоқулова ошхонадаги ишларини тугатиб, ошхонанинг орқа томонидаги ҳожатхонага чиқиб келаётганида унинг таниши Ховос тумани Карвонсарой маҳалласи Эрназаров кўчаси, 10 ўйда яшовчи 19.07.1976 йилда туғилган Тиллобердиев Жахонгир Ахматкулович чақирган. З.Облоқулованинг кўлидан ушлаб Тиллобердиев Ж.А. ошхонанинг орқа томонидаги йўлакка тортган ва З.Облоқуловани ҳақорат қила бошлаган. З.Облоқулова ёрдамга чақира бошлаган вақтда Ж.А.Тиллобердиев З.Облоқулованинг ўнг кўзининг қовок қисмига жароҳат етказган ва бошига зарба бериб, кейин воқеа жойидан кетган. Шовқин суронни эшитиб депо қозонхонаси ишчилари ёрдамга келишганда З.Облоқулова ерда юзи қонга беланиб ётганлигини кўришган ва депо ҳамширасини чақиришган. Ҳамшира М.Нарзуллаева З.Облоқуловага биринчи ёрдам кўрсатган ва уни шифохонага олиб борган.

Тушунтиришлардан аниқланишича шу куни навбатчилик қилувчи Ховос вагон депоси қоровули Облоқулов Илхом Бозорбоевич навбатчилик қилиш жараёнида Ховос темир йўл станцияси ҳамда корхона ҳудудининг устидан ўтувчи пиёдалар юриши учун мўлжалланган кўприкдан тушишдаги кўрикланадиган

постидан корхона раҳбариятининг рухсатсиз бегона шахсни шахсий масалалари бўйича корхона ҳудудига киришига рухсат берган.

Шу жумладан, соат 16-10 ларда фуқаро Тилларбердиев Жаҳонгирни рўйхатга олиш китобига қайд этиб ошхонага кузатувсиз киргизиб юборганлиги натижасида, Ж.А.Тиллобердиев қаршиликсиз ҳаракатланиб, корхона ҳудудида З.О.Облоқуловага тан жароҳати етказган ва яна келган жойидан соат 16-25 да қайтиб чиққанлиги дафтарга қайд этилган.

З.Облоқулова 19.05.2016 йилдан бошлаб ишга чиқиб ишлаб юрди ва ҳозирги кунга келиб ўз ихтиёри билан ариза ёзиб 20.12.2016 йилдан меҳнат шартномасини бекор қилиб, ишдан бўшаб кетган.

Иккинчиси, 2016 йил 09 декабр куни Ховос вагон депосининг вагонларни кесиш бўлимига вагон йиғув цехининг чилангари Нарзуллаев Оятулло Нозиржон ўғли ишга келиб тахминан 11-30 ларда вагонларни кесиш жараёнида кран ҳайдовчиси Д.Эгамшукуров томонидан вагоннинг тепа қисмини тушириб бўлгандан сўнг вагон йиғув цехининг чилангари юк кранининг илгичини вагоннинг тепа қисмидан ажратиб юборади, ўзининг нотўғри, қалтис ҳаракати сабабли, бир текисликда жойлашмаган вагоннинг тепа қисмининг тагига чап оёғини тикиб турганлиги учун, вагоннинг тепа қисми тебранганлиги сабабли О.Нарзуллаевнинг чап оёғини босиб қолади, сўнг шу заҳоти чап оёғини ечиб кўриб ҳеч нима бўлмаганлигини таъкидлайди, бироқ бригадир Д.Сабуров ҳамда пайвандчи Г.Абдухатовлар биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида тиббиёт хонасига олиб борилишини айтади, лекин О.Нарзуллаев ҳеч қандай жиддий нарса бўлмаганлигини, чап оёғида ҳеч қандай оғриқ йўқлигини айтиб уйига кетади.

2016 йил 10 декабр куни бригадир Сабуров Дилшод Нарзуллаевни касалхонага олиб бориб рентген қилдирганда чап оёғининг бош бармоғида синган жойи борлигини аниқлашади ва гипс қилдириб, касалхонага ётқизади. Бригадир Сабуров Дилшод Нарзуллаев Оятуллонинг гапига кириб воқеани расмийлаштирамайди, бу билан ўз касбининг йўриқномаси талабларини бузган.

Такрорланишларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир депода уста ва бригадирлар томонидан ишларнинг амалга оширилишини назорат қилиш тизими кучайтирилди, меҳнат хавфсизлиги бўйича қўшимча машғулотлар ўтказилди ва билимларини қайтадан текширилди.

“Ўзвагонтаъмир” АЖ раҳбарияти ва мутахассислари томонидан меҳнат муҳофазаси ҳолати текширувдан ўтказилди, текширув натижаларига кўра, текширувда аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли раҳбарлар билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

2016 йилда жамиятнинг барча вагон деполарида 15 та муаллифга тегишли 7 та рационализаторлик таклифи берилди, 1 млн. 221 минг 040 сўм муаллифларга тўланди, улардан 7 таси амалда фойдаланилмоқда (2015 йилда- 4 та рационализаторлик таклифи берилган, 426 минг сўм муаллифларга тўланган).

Шу жумладан, Ховос вагон депоси бўйича:

- Ишчи камералар филтрларини тозалаш ва ҳаво ўтказиш мосламаси;
- Сверлони (пармани) ушлаш учун корпус;

- Автосцепка корпусини пармалаш ва махсус болтни жойлаштириш учун мослама.

Самарқанд вагон депоси бўйича:

- Ғилдирак жуфтлиги ўқининг ўрта қисмини тозалаш мосламаси;
- Ғилдирак жуфтлигининг кириш ва чиқиш вибродиагностик назоратини амалга ошириш мосламаси;
- Ролик подшипникларини, полиамид сепараторларини чўзиш синовини ўтказиш мосламаси.

Андижон вагон депоси бўйича:

- Юк ва йўловчи ташувчи вагонлар тележкасининг деталларини синовдан ўтказиш учун стенд.

Техник қайта жиҳозлаш дастури 2016 йилдавомида 69 млн.472 минг 200 сўмга бажарилди. (2015 йилда 44 млн.601 минг сўм, ўтган йилга нисбатан 155,7 % ниташкил қилган).

Шу жумладан, Ховос вагон депоси бўйича:

- Прожекторларни тежамкор светодиод мосламаларига алмаштирилди;
- Ғилдирак жуфтликларини ювиш машинаси модернизацияси;
- Таъмирлаш цехларига электр энергия тежамкорли прожекторлар ўрнатилган;
- Рафамед станогини жорий таъмирдан чиқарилди;
- ЛЗ-ЦНИИ мойини гомогенизация қилиш учун мослама.

Андижон вагон депоси бўйича:

- Прожекторларни тежамкор светодиод мосламаларига алмаштирилди;
- ЛЗ-ЦНИИ мойини гомогенизация қилиш учун мослама;
- Таъмирлаш цехларига электр энергия тежамкорли прожекторлар ўрнатилган;
- Ғилдирак жуфтликларини ювиш машинаси модернизацияси.

Самарқанд вагон депоси бўйича:

- Прожекторларни тежамкор светодиод мосламаларига алмаштирилди;
- ЛЗ-ЦНИИ мойини гомогенизация қилиш учун мослама;
- Таъмирлаш цехларига электр энергия тежамкорли прожекторлар ўрнатилган;
- УББ-112 ғилдирак йўнувчи станогини таъмирдан чиқарилди.

Корхона бўлинмаларида янгилик киритиш ҳамда уларни ривожлантириш, унда фаолият кўрсатиб келаётган ходимларни илмий ўсишга кенг шарт-шароит яратиб берилмоқда.

2017 йилдаги жамиятнинг устувор вазифалари:

Жамиятнинг 2017 йилда Бизнес-режа бўйича бажариши зарур бўлган асосий кўрсаткичлари ва белгиланган режалариқуйидагилардан иборат:

- Юк вагонларини депо таъмиридан чиқаришни 3 044 та миқдорида бажариш (2 420 таси “ЎТЙ” АЖ ва 624 таси бошқа саноат корхоналари вагонлари);
- 458 та юк вагонларини капитал (мукаммал) таъмирдан чиқариш (90 таси “ЎТЙ” АЖ ва 368 таси бошқа саноат корхоналари вагонлари);
- 460 та юк вагонларини хизмат муддатини узайтириш билан капитал таъмирдан чиқариш (460 таси “ЎТЙ” АЖ);
- экспорт ҳажмини ўрнатилган режа миқдоридаги 263 минг АҚШ доллари миқдорида бажариш;
- ишчи ходимлар маошини имкон даражада ошириб бериш;
- шунингдек, бажарилиши кутилаётган ушбу кўрсаткичлар натижасида даромад ҳажмини 25 млрд. 050 млн. сўм миқдorigа олиб чиқиш, ҳамда бунинг натижасида 901 млн. 900 минг сўм миқдорида соф фойда олиш;
- меҳнат муҳофазаси ва ҳаракат хавфсизлигини 100 % га таъминлаш.

Барча кўрсаткичларни бажариш учун лозим бўлган меъёрий ва ҳуқуқий базани яратишни янада такомиллаштириш.